
Аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланмоқда

Тошлоқ тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Абдуқаҳҳор Джурабаев ҳудудида жойлашган Гузарбоши маҳалласидаги Хоразм кўчасида бўлди. Ҳозирда мазкур маҳаллада "Сувтаъминоти" МЧЖ томонидан 500 метр қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Қурилиш-монтаж ишлари учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилган бўлиб, ҳозирда қазув ишлари олиб борилмоқда. Сектор раҳбари масъулларга ишни тез ва сифатли олиб боришлари учун кўрсатмалар берди. Мазкур тармоқнинг тортилиши билан ҳудуддаги 70 дан ортиқ хонадонлар тоза ичимлик суви билан таъминланади. "Сувтаъминоти" МЧЖ томонидан тумандаги Қумариқ, Терактаги ва Заркент маҳаллаларида ҳам янги сув тармоғи линияларини тортиш ишлари бир вақтда олиб борилмоқда.

2020-09-28 17:36:51